

AN ALTERNATIVE TO SHAKESPEARE'S TRANSLATIONS OF NATIONAL-CULTURAL PHRASEOLOGICAL UNITS IN THE OTHELLO TRAGEDY

Munavvar Kurbanova Esonalievna,

Uzbek State University of Foreign Languages, 3rd-year doctoral student

e-MAIL: kurbanovamunavvar1989@mail.ru

Annotation: The culture of nations is in many ways related to language. Nationality, customs, and traditions are mainly seen in phraseological units. This thesis deals with alternative versions of phraseological units in the Uzbek translations of Shakespeare's tragedy "Othello".

Keywords: equivalent, tag translation, lexical-semantic, phraseological combination, translator style, stylistic features, methodological tools, lexical units.

ШЕКСПИРНИНГ “ОТЕЛЛО” ТРАГЕДИЯСИДАГИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ТАРЖИМАЛАРИНИНГ МУҚОБИЛИ.

Мунаввар Курбанова Эсоналиевна,

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари Университети

3-курс таянч докторанти

(+998977801721)

kurbanovamunavvar1989@mail.ru

Аннотация: Халқлар маданияти кўп жиҳатдан тил билан боғлиқ. Миллийлик, урф-одат ва анаъналар асосан фразеологик бирликларда кўринади. Мазкур тезисда Шекспирнинг “Отелло” трагедиясини ўзбек тилидаги таржималарида фразеологик бирликларнинг муқобил вариантлари ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: эквивалент, тағлама таржима, лексик-семантик, фразеологик бирикма, таржимон услуби, услуб хусусиятлари, услубий воситалар, лексик бирликлар.

Турли маданиятлар белгиси бўлган урф-одат, анъана ва қадриятлар қаторида тилнинг ажралмас қисми ҳисобланувчи фразеологик бирликлар ҳам туради. “Фразеология” термини юнонча “фраза” (phrases) сўзидан олинган бўлиб, “ифода”, “нутқ ўрами” деган маъноларни англатади.

Фразеологик бирликлар шу қадар турфаки, баъзи бирларини таржимада мутлақо муқобил вариантини бериб бўлмайди. “Муайян фразеологик бирликни гоҳо на эквивалент, на муқобил вариант ва на калька ёрдамида ўгиришнинг имкони топилади. Бундай ҳолларда санъаткорлар ноилоҳ таржима амалиётининг тасвирий усулига мурожаат қиладиларки, мазкур усул ёрдамида бирликлар маънолари эркин маънодаги сўз ёки сўз бирикмалари воситасида тушунтириб қўя қолинади.”¹

Қуйидаги жадвалда берилган парчада Венеция Дожининг икки ёш муҳаббати чин севги эканлигига Брабанционини ишонтиришга уринганлиги кўринади. Парчада учрайдиган фразеологик бирикмалар, услубий воситалар ва лексик бирликлар таржимонлар томонидан қанчалик даражада аслиятга мос тарзда ўзбек тилига ўгирилганлигини таҳлилда кўриб чиқамиз.

¹ Мусаев Қ.М. Таржима назарияси асослари. – Т.: “Фан”, 2005. – Б. 185-207.

Duke: I think this tale would win my daughter, too. – Good Brabantio, Take up this mangled matter at the best. Men do their broken weapons rather use Than their bare hands.² [Act I, Sc 3]	
Дож: Бу ҳикоя қаршисида менинг қизим ҳам Туриш беролмасди балки; Брабанцио, Сиз бу ишни яхшиликка йўйинг, азизим. Асл эрлар кураш чоғи яланғоч муштан Афзал билишади синик яроқни.³ <i>Жамол Камол таржимаси</i>	Дож: Қизимни ҳам ағдарарди бундай саргузашт. Саховатли Брабанцио, Ёмонликка яхшилик-ла боқиб қарангиз. Курашганда синик-мертик қурол ушламоқ Яланғоч мушт дўлайишдан яна яхшироқ.⁴ <i>Ғафур Ғулом таржимаси</i>

Отеллони шу кунга қадар бошдан ўтказганлари, машаққатларга мардонавор туриб, турли қалтис вазиятлардан ўз кучи ва ақли билан чиққанлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, ҳайратга тушган Дож нутқидаги “*I think this tale would win my daughter, too.*” гапи – “Ўйлайманки, бу ҳикоя менинг қизимни ҳам мағлуб қиларди. (яъни, бу ҳикоя қизимга ҳам қаттиқ таъсир қилган бўлар эди) (Таржима - МК)” тарзида таржима қилинади. Ўзбек ва инглиз тилларининг бошқа-бошқа оилаларга мансублиги, ушбу икки тил хусусиятларининг лексик-семантик, грамматик ва стилистик жиҳатдан тузилиши ва бир-бири билан боғланиши турлича эканлигидан келиб чиқиб хулоса қилинса, ушбу жумлани сўзма-сўз таржима қилиш қутилган натижани бермаслиги мумкин. Аслиятдаги “*ютмоқ*”, “*золиб бўлмоқ*” маъносини берувчи “*to win*” феълини ўзбек тилига тўғридан – тўғри таржима қилиб бўлмайди. Таржима жараёнида “*to win*” феълининг антоними бўлган ўзбек тилидаги “*мағлуб қилмоқ*” феълини қўллаш билан таржиманинг лексик-семантик жиҳатдан тўғри ва тўлиқ чиқишига эришиш мумкин. Чунки, жумлани “*бу ҳикоя менинг қизимни ҳам ютган бўларди*” тарзида таржима қилиниши, ўзбек тилида мазмун жиҳатдан ғализ жумлани пайдо бўлишига олиб келади.

Ж. Камол аслиятдаги “*win*” феълини ўзбек тилига “*туриш беролмасди*” тарзида ўгиради. Ғ. Ғулом эса бу феълга эквивалент сифатида ўзбек тилидаги “*ағдармоқ*” феълини танлайди. Асарнинг услуб хусусиятларини акс эттириш аслиятдаги сўзларга маъно жиҳатидан имкон қадар яқинроқ эквивалентларни бера олишни талаб этади. Биринчи таржимон тилида ишлатилган “*туриш беролмасди*” феъли аслият услубини ўзида айнан акс эттирмасада, иккинчи таржимон қўллаган “*ағдарарди*” феълига қараганда асарга бадиий стилистик мазмун бахш этган. “*ағдармоқ*” феъли на услубий жиҳатдан на эстетик тарафдан асар тилига мос тушмаган. Шу билан бирга бу сўз нутқ эгасининг образи ҳақидаги тасаввурларни бузиб талқин қилинишига сабаб бўлган. Чунки асарни ўқиш мобайнида зийрак китобхон Венеция Дожининг теран ақл-заковатли, кенг фикрли ва юқори савияли мансабдор эканлигини осонгина

² The Complete Works Paperback – April 21, 2005 by William Shakespeare Publisher: Oxford University Press España, S.A.; 2nd edition (April 21, 2005) Language: English Paperback: 1424 pages ISBN-10: 0199267189 ISBN-13: 978-0199267187. P.879.

³ Жамол Камол таржимаси. Шекспир, Вильям. Танланган асарлар. – Т.; “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1991. 213-бет. 784 б.

⁴ Ғафур Ғулом таржимаси. Шекспир, Вильям. Танланган асарлар: 5 жилдик. 1-жилд.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 204-бет. 488 б.

фаҳмлайди. Албатта, бундай образлар нуткида ғализ жумлаларни учраши ноўрин. Ғ.Ғулом таржималарида бу каби жузъий камчиликларни учраши бевосита таржима таъсиридандир. Бунинг устига таржимоннинг *“this tale”* (бу ҳикоя) сўз бирикмасини *“бундай саргузаум”* тарзида ўгириши, ҳамда таржимада аслиятдаги нутққа ўзгача маъно ва оҳанг бағишлаб турувчи *“I think”* кириш сўзининг таржимада тушириб кетилганлиги Шекспир яратган мулоҳазали, вазмин образини енгил, бир жихатдан ҳазилкаш эпизодга айлантириб қўйган.

Аслият матнида Дожнинг Бранцзиога қарата айtilган мурожаатидаги ундалма ичида келган *“Good”* сифатини бир қарашда аҳамияти йўқдек, лекин мантиқан олиб қаралса, фигони кўкка етган жабрдийда отани тинчлантириш мақсадида унга *“Good Brabantio”* деб мурожаат қилиши вазиятни бироз юмшатишга бўлган ҳаракат эканлиги анлашилади. Ж. Камол ушбу сифатни таржимада тушириб кетганлиги асар услубидан бироз четлашганликни кўрсатса, Ғ. Ғуломни *“Good”* сўзи ўрнига *“саҳоватли”* сифатини қўллаши эса стилистик хилдан бўёқдорликни бироз оширилганлигига гувоҳ бўламиз.

Ибора ёки фразеологик бирикмалар таржимасида таянч нуқталарни айирбошлаш масаласига бефарқ қараб бўлмайди. Ҳар бир тилнинг миллий хусусиятини ўзида намоён қилувчи ибора, мақол, матал, архаик сўзлар ва шу каби маълум шароит тақозоси билан вужудга келган нутқий таркиблар бўладик, ушбу тил ҳодисаларини бошқа тилда айнан ўхшашини топиб қўйиш жуда мушкул иш. Бундай ҳолларда маҳоратли таржимонлар бирикманинг мумкин қадар аниқроқ ва аслиятга яқинроқ мувофиқ вариантини топишга ҳаракат қилишади. Жуда бўлмаганда ибораларни сўзма-сўз ўгириш ҳам адекватликни таъминлаш учун етарли бўла олади. Лекин бундай ҳолатда мутаржим жумлани жуда содда ёки ғализ чиқиб қолмаслигига аҳамият бериши лозим.

Юқоридаги парчада Дож тилидан айtilган *“Take up this mangled matter at the best”* иборани икки таржимон ишларида кўриб чиқсак. Ж. Камол таржимасида бу ибора ўзбек тилига *“Сиз бу ишни яхшиликка йўйинг, азизим.”*, яъни *“яхшиликка йўймоқ”* тарзида асл нусхага анча яқин таржима қилинган. Ғ. Ғулом таржимасида эса ибора *“Ёмонликка яхшилик-ла боқиб қарангиз.”* – кўринишида берилган бўлиб, унда идиоманинг умумий маъноси антитеза усулида сўзларни бириктириш орқали берилади. Иборанинг ўзбек тилидаги жуда яқин варианты бўла туриб, таржимон оддий сўзлардан фойдаланган. Бундай таржимада мазмунан аслиятга яқинлик кузатилсада, асар услубига путур етган.

“Men do their broken weapons rather use/ Than their bare hands.” (*“Эркалар яланғоч муштдан кўра синиқ қуролларини афзал кўришади”* – Таржима - МК) ушбу гапда келган инглиз тилидаги *“do”* ёрдамчи феъли иккала таржимонни ҳам чалғитган кўринади. Чунки баъзи ҳолларда гап маъносини кучайтириш учунгина қўлланиладиган *“to do”* феълени мутаржимлар ўзбек тилига *“кураш чоғи”* (Ж. Камол) / *“курашганда”* (Ғ. Ғулом) деб таржима қилишади. Ваҳоланки, аслият матнида курашмоқ феълени учратмаймиз. Ж. Камол Шекспир қўллаган *“Men”* гап эгасини *“асл эрлар”* тарзида таржима қилган. Бунда от олдида аслиятда йўқ бўлган *“асл”* сифатини қўллаб, услубий бўёқдорликни оширган. Ғ. Ғулом эса *“Men”* сўзини таржимада тушириб қолдирганлиги натижасида учинчи шахс бирликдаги гап таржима матнида шахси номаълум дарак гапга ўзгарган. Жумлада боғловчи вазифасида келган *“rather...than”* (*“афзал кўрмоқ”*) сўз бирикмасини иккинчи таржимон томонидан *“яхшироқ”* қиёсий сифат даражаси кўринишида берилиши, *“broken”* (*синиқ, синган*) сўзи ўрнида *“синиқ-мертик”* сўзининг қўлланилиши, ҳамда аслиятда мавжуд бўлмаган *“мушт дўлайиш”* фразеологик бирикмасини таржима матнида кўр-кўрона қўлланилиши таржиманинг тағлама мақомида ўгирилганидан далолат беради.

Аслини олганда, бу каби шоҳ асарлар таржимасида мутаржимларга қатиъй талаб қўйиш ҳам бирмунча ноўриндир. Айниқса, миллатлар маданияти турфалигини ўзида акс эттирувчи муайян тилдаги мақол ва фразеологик бирликларнинг бошқа тилда айнан муқобил варианты учрамаслиги табиий ҳол. Шундай бўлсада, ўзбек забардаст шоир-таржимонлари Ғ. Ғулом фразеологик бирликларни тасвирий-услубий воситалар билан ва Ж. Камол эса айнан муқобил вариантини келтириш билан таржима қилиши таҳсинга лойиқ.

Адабиётлар рўйхати.

1. The Complete Works Paperback – April 21, 2005 by William Shakespeare Publisher: Oxford University Press España, S.A.; 2nd edition (April 21, 2005) Language: English Paperback: 1424 pages ISBN-10: 0199267189 ISBN-13: 978-0199267187.
2. Жамол Камол таржимаси. Шекспир, Вильям. Танланган асарлар. – Т.; “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1991. - 784 б.
3. Ғафур Ғулом таржимаси. Шекспир, Вильям. Танланган асарлар: 5 жилдлик. 1-жилд.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. - 488 б.
4. Мусаев Қ.М. Таржима назарияси асослари. – Т.: “Фан”. 2005. – 352 б.